

ЕШ ҲАЙВОНЛАР ЮҚУМЛИ БАКТЕРИАЛ КАСАЛЛИКЛАРИГА ТАШХИС ҚЎЙИШ ВА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Мамлакатимиз аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш билан бир каторда, уларни турли касалликлардан асраш ва ҳар мавсумда бажариладиган ветеринария тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш зарур.

Чорва ҳайвонларини тўғри ва сифатли озиклантириш, уларни ўз вақтида ветеринария кўригидан ўтказиш, яъни диспансеризация қилиш, касал молларни ажратиш ва уларни даволаш, молхоналарда мунтазам равишда дезинфекция, даратизация ва дезинсекция тадбирларини ўтказиб туриш, молларни зоогигиеник талаблар асосида парвариш қилиш, фермаларда озука (дагал хашак, тўйимли омихта ем, витаминга бой беда ва ҳўл ўт) база-сини яратиш, сунъий қочирини ишларини ташкил этиш ва эмлаш тадбирларини ўтказиш ҳайвонларни соғлом сақлашнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Чорва фермаларида ёш ҳайвонлар касал бўлганда тез ёрдам кўрсатиш учун яхши жиҳозланган, ветеринария препаратлари (дори-дармонлар, биопрепаратлар, дезинфектантлар, антгельминтиклар) билан таъминланган ветеринария пунктлари бўлиши шарт.

Мулк шаклидан қитъий назар чорвачилик билан шуғулланувчи барча ҳўжалик мутахассисларига баҳор фаслида куйидаги чора-тадбирларни ўтказиш тавсия этилади: молхона, қўйхона, чўчкахона ва парранда турадиган жойлар э ктo паразитлар (кана, бит, бурга) чакирадиган касалликларга қарши инсектоакарицид препаратлар, жумладан, циперметриннинг 25 фоизли концентрат эмульсиясидан тайёрланган 0,015-0,02 %ли ишчи эмульсия билан дезинсекция ва дазакаризация қилиш зарур. Улар билан зарарланган чорва моллари ушбу препаратнинг 1 фоизли дусти билан пуркаш усулида даволанади ёки йўриқнома асосида неацидол, цимбуш каби дезинфекцияловчи препаратлардан фойдаланилади.

Баҳор фаслида ёш моллар касалликлари кенг тарқалиб авж олади ва кўп ҳолларда катта меҳнат эвазига олинган ёш моллар тугилганидан кейин биринчи кунларда нобуд бўлади. Бу касалликлар колибактериоз, сальмонеллез, диплококк инфекцияси, парагрипп, юкумли ринотрахеит каби касалликлар бўлиб, улар кўпинча ёш молларни касаллантириб, нобуд қилади.

Ёш моллар касалликларига ташхис қўйишда касалликнинг эпизоотик ҳолати ва клиник белгиларига эътибор бериш лозим. Шунингдек, лаборатория текшируви учун лаборатория™ касал ёки касалланиб тузалган ҳайвондан кон зардоби, ўлган ҳайвон ўлимтиги бутун ҳолатида ёки юрак жигар, талок, буйрак ва найсимон суякжўнатилади. Патологик намуналар янги ўлган ҳайвон ўлимтигидан олиниб, тоза ҳолатда ёки кимёвий тоза глицериннинг 30 %ли сувда эритмасида консервланади.

Лаборатория текшируви патологик намуналардан суртмаларни микроскопия қилиш, озука мухитларига экиш, молекуляр биологик текшириш, серологик текшириш, зарур бўлганда лаборатория ҳайвонларини биологик зарарлантиришларни ўз ичига олади.

Касалликларга қарши ўз вақтида қўлланилган махсус эмламалар (вакциналар ва гипериммун кон зардоблари) уларни деярли 100 фоиз олдини олишга имкон беради. Худди шу эмламалар ва дори-дармонлар Ветеринария илмий-тадқиқот институтида республикаимиз чорвачилиги эҳтиёжини тўла қондира оладиган ҳажмларда ишлаб

чиқарилмоқда. Шу ни таъкидлаш керакки, бу препаратлар касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг маҳаллий штаммларидан тайёрланганлиги сабабли улар юкори самарага эга.

Шулардан инновацион тадқиқотлар натижасида бузук, қўзилар, чўчка болалари колибактериоз, салмонеллез касалликларига қарши радиовакцина ёки бузук ва қўзилар пастереллез, колибактериоз ва сальмонеллез касалликларини даволашда гипериммун кон зардоби, бузук ва қўзиларнинг ошқозон-ичак касалликларини даволовчи кон гидролизата ёки полимерли хитозан препарата ҳамда лактоглобулин, иммуноглобулин ва бошқалар яратилган.

Инновацион илмий ёндашувлар натижасида қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг пастереллез, сальмонеллез, колибактериоз касалликларига қарши радиовакцина ва қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг пастереллез касалли- гига қарши ГОА формол вакциналар яратилган. Колибактериоз, сальмонеллез, пастереллез касалликларини олдини олиш мақсадида бўғоз сигир ва қўйларни туғишидан 1,5-2 ой олдин йўриқномага асосан (қўйлар биринчи марта 2 мл, иккинчи марта 3 мл дан ва қорамоллар биринчи марта 3 мл, иккинчи марта 5 мл дан (14 кун оралик билан такроран) тери остига эмлаш зарур. Янги тугилган бузуклар беш кунлик бўлгач, юкорида кайд этилган радиовакцина билан тери остига қўзиларга 1 мл, бузукларга 2 мл, 14 кундан сўнг қўзиларга 2 мл, бузукларга 3 мл дан эмлаш зарур.

Инновацион тадқиқотлар натижасида жорий этилган қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг диплококкоз касал- лигига қарши вакцина билан май ойида бир ойликдаги қўзиларни тери остига биринчи марта 1 мл, иккинчи марта 14 кундан сўнг 2 мл, бузукларга эса биринчи марта 2 мл, 14 кундан сўнг иккинчи марта 3 мл дан эмлаш орқали мазкур касалликни йил давомида олдини олган бўлади.

Маълумки, баҳор мавсумида, айниқса, унинг биринчи ярмида ҳайвон организмида ҳаётий зарур моддалар - оксил, витаминлар, макро-микроэлементлар миқдори ка- майиши натижасида унинг табиий чидамлилиги кескин пасаяди. Шунинг учун чорва молларини мана шу мод- даларга бой озукалар билан тўлик таъминлаш, қўшимча витаминлар (тривит, тетравит, балиқ ва х.к.) макро ва микроэлементлардан иборат туз ва озука аралашмалари (премикслар) ҳамда алоҳида микроэлементлардан тайёрланган препаратлар бериб бориш ва ўз вақтида эмлаш тавсия этилади.

Ҳайвонлар организмнинг табиий чидамлилигини оширишнинг яна бир шarti, уларни қуруқ мўътадил ҳарорат ва намлик, ҳавоси заҳарли газлардан (аммиак, водородли олтингутурт) тоза бўлган биноларда сақлаш, ёш молларни эса бино намлигини пасайтирадиган, ҳавони микроблардан тозалайдиган, ҳароратни оширади- ган махсус инфрақизил ва ультратрабинафша лампа ҳамда мосламалар ўрнатилган хоналарда сақлаш яхши самара беради ва касалликларнинг олдини олишга сабаб бўлади.

Юкорида таъкидланган тадбирларни ўз вақтида бажариш чорва бош сонини сақлаб қолиш ва юкори маҳсулот олишда муҳим аҳдмият касб этади.

Б.А. Элмуродов, в.ф.д, ВИТИ